

Ёзувчи Тургун Пўлат 1928 йилда Наманганда таваллуд топган. У кўп вакт жамоа, давлат хўжаликларида хисобчи, хўжалик ишлари билан машгул бўлган.

Ёзувчи сифатида 50-йилларнинг бошларида матбуотда кўрина бошлаган. Дастлаб шоир сифатида «Бизнинг бобо» (1951); «Буюк савдо» (1952), «Мангу кўлдошимсан» (1956), «Фестивал кўшиги» (1959) каби шеърий асарлари билан танилди. Айни чогда «Аёллар исёни» (1967), «Жигилдон кори» (1970), «Тўра хужжат» (1970) каби хажвий хикоялари яратилди. Сўпgra унинг «Миррихдан келган меҳмон» (1973) хажвий хикоялар тўплами, «Водийларни яёв кезганда» (1971) очерклари, «Ичкуёв» (Кисса ва хажвиялар) — 1979—1986 нашрлари) чоп этилди. Шунингдек, Тургун Пўлат публисти ва очеркнавис сифатида хам ўнлаб асарлар яратди.

Унинг «Табаррук заминда» (1970), «Хотинбоз» (1972), «Яловбардор» (1986) каби асарлари шу жихатдан мухим эди. Хуллас, ёзувчи ўзиннинг шеър ва очеркларида бўладими, хикоя ва киссаларида бўладими, хаётдаги, одамлардаги нуксонлар устидан кулиб, уни бартараф этиш йўлини излайди. Айнисле, унинг «Ичкуёв» (1975) киссаси адигба шу жихатдан шараф келтирди: шу номдаги телевизион бадиий филми учун унга 1979 йили вафотидан сўнг Хамза номидаги Республика Давлат мукофоти берилди.